



**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI  
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI**

**2 - TOM, 1 - SON. 2026**

**14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740**

**УДК: 616.24-002.5:616.12-091.8**

**СИЛ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ИЧКИ  
АЪЗОЛАРИДАН ЮРАКНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ.**



**Курызов Акбар Куранбаевич.**

**Email: [akbar\\_doc@mail.ru](mailto:akbar_doc@mail.ru)**

**Палванов Мавлонбек Маъмурович.**

**Email: [mavlonbekpalvanov0@gmail.com](mailto:mavlonbekpalvanov0@gmail.com)**

**Раджапов Адилбек Анварбекович.**

**Email: [Odilbekrajapov333@gmail.com](mailto:Odilbekrajapov333@gmail.com)**

**[ORCID-0009-0009-0325-2709](https://orcid.org/0009-0009-0325-2709)**

**Каримов Расулбек Хасанович.**

**Email: [r.karimov.86@mail.ru](mailto:r.karimov.86@mail.ru)**

**[ORCID-0009-0009-0325-2709](https://orcid.org/0009-0009-0325-2709)**

**Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Терапевтик ва ортопедик  
стоматология” кафедраси мудири, т.ф.д., доцент.**

**Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм  
филиали бош врач.**

**Хоразм вилояти Маъмур университетининг “Клиник фанлар” кафедраси мудири (PhD).  
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Патоморфология” кафедраси доценти  
(PhD).**

**Мавзунинг долзарблиги:** Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг хабар беришича, ер юзида тахминан 2,1 миллиард одам сил билан зарарланган. Шуларнинг 10 фоизида, ҳаёти давомида сил касаллиги юзага келиши мумкин, бунда ОИТС катта аҳамиятга эга. Жаҳон оммавий воситаларининг таъкидлашича, силга қарши курашиш оламшумул аҳамиятга эга. Шуни ҳам айтиш керакки, касаллик чегара билмайди. Мамлакатлар аҳолиси ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши, кўчиб юришлар, қашшоқлик сабабли ривожланган мамлакатларга соғлом одамлар қаторида, сил беморларининг ҳам кириб боришларини тўхтатишнинг иложи йўқ

Сил касаллиги — бу ҳаво-томчи инфекцияси бўлиб, у кўпинча ўпкага зиён етказди, лекин бошқа органлар: суяқлар, тери, ичакка ва юракга ҳам “хужум” қилиши мумкин. Касалликнинг юзага келишига *Mycobacterium tuberculosis* бактериялари сабабчидир. Улар муайян соҳаларда яллиғланишни келтириб чиқаради, натижада тўқималарда тугунлар ва некроз ўчоқлари (яъни ўлик тўқималар) ҳосил бўлади. Улар туфайли органлар нормал ишлай олмайди, организм эса умумий интоксикация билан жавоб қайтаради. Агар иммунитет ёки дори-дармонлар касалликни вақтида тўхтатмаса, инсон ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сил касаллиги бутун дунёда кенг тарқалган ўлим сабаблари ўнлигига киради.

Инфекциянинг асосий ўчоғи — бемор кишилар. Шундай бўлса-да, касалликнинг жониворлардан юқиш эҳтимоли ҳам мавжуд. Атрофда касаллар қанча кўп бўлса, инфекцияни юқтириш хавфи шунча юқори бўлади. Йирик шаҳарларда жамоат жойларида бундай



# TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

беморларга тўқнаш келиш ҳеч гап эмас. Беморларнинг аксариятида касалликнинг ёпиқ шакли учрайди, яъни бактериялар организмни кемириб боради, лекин атроф-муҳитга ажралмайди.

Силнинг очик шакли эса атрофдагилар учун (беморларнинг ўзи учун ҳам) жуда хавфли ҳисобланади, шунинг учун уни шифохонада даволаш зарур. Силнинг очик шаклидан азият чекувчи кишилар билан узок вақт мулоқотда бўлиш - катта хавф. Ўтмишда сил касаллигига йўлиққан инсон молиявий аҳволи ва ёшига қарамай, ҳаётдан кўз юмарди. Бугун эса бу касаллик ўтмишдаги каби қўрқинчли эмас. Тиббиёт соҳасида эришилаётган барча ютуқларга қарамай, уни сезмай қолиш мумкин, йўқотиш қийин, унутишнинг эса иложи йўқ.

Р.Кох 1890 йилда туберкулинни кашф этган. У туберкулинни бемор балғамини бир неча марта қайнатиб, ажратиб олган. Р.Кох, биринчи марта туберкулинни профилактика мақсадида қўллаш мумкинлиги ҳақида маълумот берган. Олинган туберкулинни Р.Кох биринчи марта ўзида ва ҳайвонларда синаб кўрган. Айтиб ўтиш керакки, ўз танасига юборилган туберкулиндан сўнг Р.Кохнинг тана ҳарорати 38-39° гача ошган, аҳволи ёмонлашган, лекин 3-4 кундан сўнг аҳволи яхшиланган. Айтиш мумкинки, Р.Кохнинг бу кашфиёти ҳозирги пайтда кенг қўлланилиб келаётган туберкулиндиагностикага асос солган. Кейинчалик, силга қарши дори-дармонлар кашф этилгандан сўнг, туберкулин баъзи ҳолларда патогенетик даво сифатида қўлланилиб келмоқда.

Силнинг патологик анатомиясига бағишланган ишлар орасида, Т.Лангханс (1868 й.) биринчи бўлиб аниқлаган кўп ядроли гигант ҳужайраларни кўрсатиб ўтиш мумкин. 1912 йилда чех паталоганатоми А.Гон «Гон ўчоғини», 1904 йилда А.И.Абрикосов кашф этган «Абрикосов ўчоқларини» кўрсатиб ўтиш мумкин. Диагностика. Сил касаллигини аниқлашда 1819 йилда Лаэннек таклиф этган аускултация усули муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ф.Цил ва Ф.Нилсен 1882-1884 йилда таклиф этган бўяш усули, ханузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ниҳоят, В.Рентген томонидан кашф этилган Хнурлари сил диагностикасида тарихий аҳамиятга эга бўлди. Р.Кох инсон танасига туберкулинни қайта юборишда кузатиладиган ўзгаришларни биринчи бўлиб кузатган (Кох феномени). Шу асосда у, туберкулинни сил диагностикаси мақсадида тери остига юборишни таклиф этди. 1907 йилда австралиялик педиатр ва иммунолог К.Пирке туберкулинни терига тирнаб киритишни таклиф этди ва «аллергия» тушунчасини киритди. 1910 йилда Ш.Манту ва Ф.Мендел туберкулинни тери ичига юборишни таклиф этишди. Ҳозирги вақтда бу усулдан «Манту синамаси» тушунчаси билан кенг қўлланиб келинмоқда. Силга қарши вакцина. Р.Кох шогирдлари А.Калметт ва К.Герен инсонларни силга қарши эмлаш учун вакцина таклиф этишди. Бу вакцина 18 Калметт-Геренлар бациллалари (BCG ёки БЦЖ) деб номланади. Биринчи марта БЦЖ вакцинаси 1921 йилда қўлланилган. Тажрибалар ва кузатишлар шуни кўрсатдики, вакцинация инсон танаси учун безарар бўлиб, уни кўпгина ижобий томонлари бор экан, яъни вакцинация қилинган болалар орасида силнинг оғир, деструктив турлари кам учраган, ўлим камайган. Собик иттифокда 1928 йилда сил ўчоғида янги туғилган болаларни эмлаш таклиф этилган. 1935 йилдан бошлаб, эмлаш нафақат қишлоқларда, балки шаҳарларда ҳам амалга оширила бошланган. 1950 йилдан бошлаб, янги туғилган барча чақалоқларни эмлаш йўлга қўйилган. Эмлаш, асосан, оғиз орқали амалга оширилган ва 1962 йилдан бошлаб, эмлаш тери ичига вакцина юбориш йўли билан амалга оширилмоқда.

**Ишнинг мақсади:** ишнинг мақсади сифатида Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалида сил касаллигининг хар хил шакллари билан вафот этган беморларнинг ички аъзоларидан юракнинг морфологик ўзгаришларни, мофометрик ва гистакимёвий хусусиятларини аниқлаш мақсад қилиб олинган.

**Олинган натижалар:** илмий изланишлар натижасида сил касаллигининг турли хил шакллари билан оғриган беморларнинг мурдалалари Хоразм вилояти патологик анатомия Бюросида аутопсия қилиб кўрилганда сўнги 5 йил ичида учраган сил касаллигини турли шакллари тетроспектив тахлили, турли ёшларда вафот этганларнинг юрак тўқимасининг



# TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

морфометрик жихатлари, юрак тўқимаси қон томирларида юзага келадиган гистокимёвий ва морфометрик кўрсаткичлари, юрак тўқимаси турли сохаларидаги клинко-морфологик жихатлари ўрганилди.

Материал сифатида 5 йил ичида Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида сил касаллигининг турли шакллари билан оғриган беморларнинг вафот этиши натижасида жами 81 нафар ҳолатда аутопсиясида олинган юрак тўқимасининг материаллари ташкил этиб. Шуларда 61 нафари аёл жинсли ва 20 нафари эркак жинслиларнинг материаллари олинди. Тайёрланган бўлақларчалар морфологик жиҳатдан ўрганилади.

Олинган морфологик натижалар гематоксилин эозин, гистокимёвий усуллардан Ван Гизон, ШИК ва ШИФФ усуллари, морфометрик текширишлар орқали тўқима таркибий тузилмлари, қон томирлари бўйича олинган маълумотлар таҳлил этилди.

Беморларнинг ўрганишлар давомида 81 нафар беморнинг жинс бўйича ўрганилиб кўрилганда, 61 нафари аёл жинсли ва 20 нафари эркак жинсли эканлиги аниқланди.

1-Жадвал. Беморларнинг жинс бўйича тақсимланиши.



Сил касаллигининг турли шакллари билан касалланган беморларнинг жинс бўйича тақсимлаб кўрилганда эркаклар 20 (24.6%) нафарни, аёллар 61 (75.3%) ни ташкил қилди. Бу ўз навбатида кўриниб турибдики касаллик ичида аёлларга қараганда эркак жинсига мансублиги юқори кўрсаткични кўрсатмоқда.

Сил касаллигининг турли шакллари билан касаллиниб асорат сифатида юрак хасталиги билан хасталаниб вафот этган беморларнинг яшаш манзиллари ўрганилиб кўрилди ва натижада Хоразм вилояти бўйича Урганч шаҳрида юқори кўрсаткич аниқланди.



2-Жавдал. Беморларнинг туман ва шаҳар кесимида тақсимланиши.



2-жадвалда кўриниб турибдики, касаллик асосан туман ва шаҳарлар кесимида Урганч шаҳрида юқори кўрсаткичга эга бўлган, яъни 10 (8.1%).

Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалида сил касаллигининг турли шакллари билан касалланиб вафот этган беморларнинг мурдалари Хоразм вилоят патологик анатомия Бюросида ички аъзолари текширилиб кўрилганда, касалликлар ичида асосан юракда патологик ўзгаришлар борлиги, яъни юрак чап қоринчаси деворининг гипертрофияси, юрак тўқимасида сил таёкчалар борлиги аниқланди.

**Хулосалар:** хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Хоразм вилоятида сил касаллигининг ҳар хил турдаги шаклларида вафот этган беморларнинг мурдалари аутопсия қилиб текширилганда, уларнинг ички аъзоларида яъни, юракда морфологик ўзгаришлар борлиги, бунинг натижасида кўпчилик беморлар касалликларнинг асорати сифатида ўткир-юрак етмишмовчилиги натижасида вафот этганликлари аниқланди.

Ўрганишлар давомида туман ва шаҳар кесимида тақсимланиб кўрилган Урганч шаҳрида 10 (8.1%) ни ташкил қилган бўлса, жинсга нисбатан эркаклар 61 (75.3%) нафарни, аёллар 20 (24.6%) ни ташкил қилди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Karimov R. X., & Musaev U. M. (2023). ANALYSIS OF RESEARCH AND COMMISSION FORENSIC EXPERTISES CONDUCTED ON LIVING PERSONS. *American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences* (2993-2149), 1(5), 61–63. Retrieved from <http://grnjournal.us/index.php/AJPMHS/article/view/423>

2. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. ЯТРОГЕНИЯ НА ПРИМЕРАХ ИЗ ПРАКТИКИ (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.

3. Kuryazov, A., Palvanov, M., Radjapov, A., & Karimov, R. (2024). MORPHOLOGY OF THE HEART IN PATIENTS WITH TUBERCULOSIS. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC INNOVATION RESEARCH CONFERENCE*, 1(6), 3–8. Retrieved from <https://universalconference.us/universalconference/index.php/isirc/article/view/2324>

4. Quryazov, A., Palvanov, M., Radjapov, A., & Karimov, R. (2024). MORPHOLOGY OF THE HEART IN DIFFERENT FORMS OF TUBERCULOSIS. *International Conference on Multidisciplinary Science*, 2(8), 26–30. Retrieved from <https://mjstjournal.com/index.php/icms/article/view/1818>